

Ҳақли эътироф



20:27 / 22.05.2020 4034

Рамазоннинг ўн куни ўтар-ўтмас, андижонлик устозим Аҳмаджон домла Боғишамолий ҳафизаҳуллоҳ телефон қилиб қолдилар. Устозим Андижоннинг таниқли ва машҳур, парҳезкор ва тақводор уламоларидан ҳисобланадилар. «Телевизорда Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг маърузаларини ҳар куни ифторлик пайти кўряпсанми?» деб сўрадилар. Табиийки, «Ҳа», деб жавоб бердим. Шунда устозим Аҳмаджон домла Боғишамолий ҳафизаҳуллоҳ: «Кўрмаётган бўлсанг, кўриб бор. Мен кўриб боряпман. У ҳақиқатдан ҳам шайх, олим, илми денгиз, билими чуқур уламо бўлган экан. Афсуски, биз унинг тириклигида қадрига етмаган эканмиз. Уни билмадик, уни қадрлай олмай қолдик, билмай қолдик. Илм деган ҳам шунчалик кўп бўлар эканми?! Унинг оятлардан, ҳадислардан тўхталиб қолмасдан далил келтираётганига, тарихий воқеаларни тартиб билан, чалкашмасдан гапираётганига эътибор бер», дедилар. Мен бу ерда

устозимнинг гапларига ҳеч нарса қўшмасдан, бўрттирмасдан, камайтирмасдан келтирдим.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, устозимиз, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи давримизнинг улуғ ва катта уламоларидан эди. Унинг халқимиз ва динимиз йўлида қилиб кетган улуғ ишлари барча буюк инсонлар сингари тўхтамасдан ҳалигача давом этиб келяпти. Иншааллоҳ, у зотнинг илм-ирфонлари Қиёматгача боқийдир. Афсуски, менинг бу устозим айтганидек, ўз даврининг айрим кимсалари у зотни билолмай қолди, қадрига ета олмай қолди, ҳатто бугунги кунгача уни сўкадиганлар, у зот ҳақида бўлмағур гаплар билан тилга оладиганлар топилиб турибди. Айрим кишилар шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ билан бирга чин дилдан гаплашиб кўрмасдан, у зот билан бирга бўлмасдан, суҳбатларида узоқ муддат қатнашмасдан, тушунмовчиликларни бирга ўтириб, муҳокама қилиб олмасдан, камчиликларни бирга бартараф этиш йўлида ҳамкорлик қилмасдан туриб, орқаваротдан гап-сўз тарқатиб юрганлар ҳам бўлган эди. Ҳақиқат эса ҳеч қачон синмайди, йўқ бўлмайди. Тиллани қанчалик чуқур кўмманг, ялтираб, зоҳир бўлиб чиқиб келаверади ва ҳеч қачон қадри йўқолмайди. Аллоҳнинг барҳақ уламолари эса Аллоҳнинг дини йўлида вафотларидан кейин ҳам хизмат қилаверадилар. «Динга хизмат қилиш» дегани мана бундоқ бўлибди!

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, биз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳга шогирд бўла олдик, у зотга муҳаббат қила олдик, у зотнинг эътироф ва олқишларига эга бўлиб қолдик. Сиз ҳам унинг даврида яшаганингизга, у зотнинг маъруза ва насихатларини эшитганингизга ва ҳалиям эшитаётганингизга шукр қилсангиз арзийди. Аллоҳ дунёдан ўтиб кетган барча устозларимизни раҳмат қилсин, ҳаёт кечираётган устозларимизни эса Ўз ҳифзу ҳимоясида асрасин!

Ҳамидуллоҳ Беруний